
МАҲАЛЛАМИЗ ФУТБОЛЧИЛАРИ

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ

Шу йилнинг 5 сентябрь куни Водилдаги “Ёшларобод” ўйингоҳида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида “Чарм тўп” футбол мусобақаларининг биринчи босқичига якун ясалди. Унда тўп сурган Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Қува, Фарғона тумани ёш футболчилари карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ўзаро беллашдилар. Дастлаб Фарғона шаҳар ва Фарғона туман жамоалари ўзаро куч синашдилар. Шиддатли ва мурасасиз баҳслар, ғалабага бўлган ишонч ҳар икки жамоани ҳамкорликда тўп суришга ундади. Қизғин мусобоқада Фарғона тумани ёш футболчилари рақиблари устидан 2-1 ҳисобида ғалаба қозонган бўлсалар, қувалик футболчилар қувасойликлар дарвозасига 2 та тўп киритиб 2:1 ҳисобда ғалабага эришдилар. Ярим финал йўлланмасини қўлга киритиш учун бўлган қизғин ва шиддатли “миллионлар” ўйнида Фарғона тумани футболчилари қуваликларни 1-0 ҳисобида лол қолдириб, ярим финал босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Ғолиблар вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, вилоят Жисмоний тарбия ва Спорт бошқармалари ҳамда вилоят Футбол ассоциациясининг диплом ва эсдалик совғалари билан тағдирландилар.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-09-09 16:50:41